



ҲУКУМАТ ВА ВАЗИРЛИКЛАР ОЛДИДАГИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 30 декабрь куни маъмурий ислохотларни амалга ошириш, Ҳукумат таркиби ва иш тизимини ўзгартириш масалалари, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2023 йилдаги энг муҳим вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказилди.

Йиғилиш аввалида маъмурий ислохотлардан келиб чиқиб, Президент фармон ва қарорларига мувофиқ, лавозимларга янги тайинланган Бош вазир ўринбосарлари ва вазирлар эълон қилинди. Улар мутасадди бўлган соҳалардаги долзарб масалалар, халқимиз олдидаги масъулият ва жавобгарлиги кўрсатиб ўтилди.

Йил мураккаб бўлганига қарамай, иқтисодиётда ижобий натижаларга эришилгани қайд этилди. Хусусан, жорий йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми 5 фоиздан юқори суръатда ошган. Экспорт ҳажми 14 фоиз ўсиб, 19 миллиард долларни ташкил этган. Иқтисодиётга 8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келган.

Ижтимоий соҳада аҳоли бандлигини ошириш ва турмуш даражасини яхшилаш мақсади устувор бўлиб қолмоқда. Бу йил тарихимизда илк бор пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори минимал истеъмол харажатларидан кам бўлмаган даражага чиқди. Маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, аҳолини узок йиллар қийнаб келган масалаларни ҳал қи-

лишга катта маблағлар йўналтирилди. 2 миллиондан ортиқ кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам берилмоқда. Худудларда таълим ва тиббиёт масканлари, ичимлик суви тармоқлари, йўллар қурилмоқда.

Йиғилишда келгуси йилда ҳам иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш бўйича вазифалар муҳокама қилинди. Хусусан, саноатда 5 фоиздан, қишлоқ хўжалигида 3 фоиздан ва хизматлар соҳасида 14 фоиздан зиёд ўсига эришиш мақсади белгиланди.

Иқтисодиёт ва молия вазирлигига бизнес учун шароитларни яхшилаш ҳамда солиқ базасини кенгайтириш, аҳолининг харид қобилиятини ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига йирик тармоқларда натижадорликни ошириш, саноат бормаган туманлар салоҳиятини ўрганиб, уларнинг "ўсиш нуқталари"ни ишга солиш вазифалари қўйилди. Иқтисодиётни фақат инвестиция ва экспорт олдинга торттириш, келгуси йил экспорт ҳажмини 23 миллиард доллардан ошириш зарурлиги таъкидланди. Умумий қиймати

8 миллиард долларлик 300 дан зиёд лойиҳа ишга туширилиши ва яна 40 та янги йирик лойиҳа бошланиши қайд этилди.

Транспорт соҳасида йўловчи ташини хизматларини яхшилаш, барча йўлларнинг рақамли харитасини ишлаб чиқиш, йўлларда сервисни кўпайтириш чоралари белгиланди.

Шунингдек, таълим сифатини ошириш, илм-фан, туризм, маданият ва спортни ривожлантириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Соғлиқни сақлаш ва фармацевтикада коррупцияни йўқ қилиш, давлат қарамогига муҳтож беморлар билан тизимли ишлаш зарурлиги таъкидланди.

— Вазирлар изланиши, бутун тизими билан амалда ўзгариш қилиши керак. Ҳаммамиз оддий ва фидойи бўлиб, халқни севиб, қаттиқ меҳнат қилишимиз зарур. Пировард мақсадимиз — халқимизни рози қилиш, — деди Президент.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда жорий йилда йўл қўйилган камчиликлар кўрсатиб ўтилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

ЎЗА

МУНОСАБАТ

ЮРТ КЕЛАЖАГИНИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР БЕЛГИЛАЙДИ

Шу кунларда дунёда кечаётган ижтимоий-иқтисодий вазият денгиз тўфонига ўхшайди. Нисбатан бир маромда сузиб бораётган катта-кичик қайиқлардан тортиб йирик кемаларгача, барини қаттиқ чайқатапти. Бу довул ўзанингни буриб юбориши, натижада кетаётган йўлнинг йўқотиб қўйилиши ҳеч гап эмас. Давлатларнинг бир кема ёки қайиқ ўлароқ бу талатўлда омон қолиб, кўзлаган манзилига етиб бориши йўлбошчининг оқилона қарори, узокни кўра олиши ундаги жамоанинг ўзаро ҳамжиҳатлиги, машаққатли меҳнатига боғлиқ.



муаммолар ишлаб чиқариш саноатида узилшларга, бу эса, ўз навбатида, иқтисодиёт барқарорлигига салбий таъсир кўрсатди.

Эътиборли жиҳати, катта мақсадлар, буюк манзиллар сари йўлга чиққан Ўзбекистон бу довулни давлатимиз раҳбарининг оқилона ва одилона, узокни кўзлаб юритаётган халқларвар сиёсати, халқимизнинг машаққатли меҳнати, ҳамжиҳатлиги, жиқслиги билан енгиб ўтмоқда. Талафот у ёқда турсин, бу курашдан юртимиз янада кучли бўлиб чиқаяпти. Ҳоят

мураккаб ва синовли 2022 йилда ҳам мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажми илк бор 80 миллиард доллардан ошгани фикримизни тасдиқлайди. Иқтисодиётимизга шу йилнинг ўзида 8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб этилди, экспорт ҳажми эса 19 миллиард долларга етди. Бундай катта натижалар илгари бўлмаган. Мана шуларнинг ўзиёқ Ўзбекистон нақадар тўғри йўлда кетаётганини англатади.

Давоми 2-бетда

НУҚТАИ НАЗАР

Ҳозирги кунга келиб Марказий Осиёда аҳолиси миллиондан ортиқ шаҳарлар 7 тага етди. Минтақамизда пойтахтлар билан бир қаторда бошқа йирик шаҳарлар ҳам "ўсиш нуқталари"га айланмоқда. Буларнинг орасида Самарқанд ва Наманган шаҳарлари ҳам бор. Уларнинг ҳар бирида аҳоли сони бир миллионга етмоқда. Иккала шаҳарда ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Самарқанд шаҳри дунё танийдиган мегаполисга, халқаро туризм ва бизнес марказига айланмоқда. Наманган ҳам саноат, тadbиркорлик, таълим, маданият соҳаларида минтақавий марказ сифатида ўз ўрнини топмоқда. Шу боис, Самарқанд ва Наманган шаҳарларини алоҳида маъмурий-ҳудудий бирликлар сифатида республика бўйсунувига ўтказишни таклиф қиламан.

(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидан).

“Миллионли шаҳарлар”

Самарқанд дунё тан олган халқаро туризм мегаполисига, Наманган эса саноат, тadbиркорлик, таълим, маданият соҳаларида минтақавий марказга айланмоқда

Бугун Янги Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб этишда янгича ёндашув ва механизмларни жорий этиш ғоят долзарб. Ушбу йўналишда худудларнинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш, инвесторлар учун қулай ишбилармонлик муҳити яратиш, инфратузилма тармоқларини такомиллаштириш, йирик инвестиция лойиҳаларини рўйга чиқаришда халқаро ташкилот ва инвестиция компанияларининг молиявий ресурсларини жалб қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Давоми 3-бетда



ИСЛОХОТЛАР — АМАЛДА

ТАРАҚҚИЁТГА ФАҚАТ МАШАҚҚАТЛИ МЕҲНАТ ОРҚАЛИ ЭРИШИЛАДИ

Навоий кон-металлургия комбинати юртимизнинг энг гигант саноат корхонаси. Дунёда ҳам ўз тармоғи бўйича етакчи компаниялар сафида туради. Президентимиз ташаббуси билан соҳани ривожлантиришга қаратилган муҳим дастур ва пухта ўйланган йирик инвестицион лойиҳалар ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани туфайли комбинат сўнгги йилларда тараққиётнинг янги манзиллари сари юзланди.

Давоми 4-бетда

2023 йил – Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили АГАР ҚИЛМАДИ ЭЛ ҲИМОЯТ СЕНГА...

Ҳеч кимга, ҳеч нарсага ном бежиз қўйилмайди. Номлар, исмларга уларни танлаган инсонларнинг қалбидаги ниятлар, орзу-мақсадлар сингдирилади. Шу маънода, мамлакатимиз раҳбарининг янги 2023 йилга “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” дея ном беришида катта ҳикмат бор. Нафсиламбрини айтганда, бири бирига меҳр-муҳаббат тушунчалари билан боғланган бу атама халқимиз учун бутунлай бошқача бир янгилик, ҳаёт тарзимининг бўлакча бир босқичи, дея баҳоласак, у қадар тўғри бўлмайди.

Давоми 5-бетда

МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

ҚАТАҒОНГА УЧРАГАН АЖДОДЛАРИМИЗ ХОТИРАСИГА ҲУРМАТ

тарихий адолат тантанаси

Ўтган аср бошларида юртпарвар, миллатпарвар боболаримиз янгилик ва эркинлик, адолат ва тенглик, илм-маърифат ва миллий ўзликни англаш ғояларига таяниб, озодлик учун мардонавор кураш майдонига чиққанди. Аслида бу улғу зотларнинг мақсади жаҳолат ва қолоқлик гирдобиди қолган халқни дунёвий илм-фан, илғор касб-хунарлар билан қуроллантириб, умумбашарий ривожланиш йўлига, яъни янги тараққиёт манзилига олиб чиқиш эди.

Давоми 6-бетда

www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz_official

yuz.uz_news



“Миллионли шаҳарлар”

НУҚТА НАЗАР

Самарқанд дунё тан олган халқаро туризм мегаполисига, Наманган эса саноат, тадбиркорлик, таълим, маданият соҳаларида минтақавий марказга айланмоқда

Жасур УМУРЗОҚОВ, иқтисодийёт фанлари бўйича фалсафа доктори

Бошланиш 1-бетда

Жаҳонда ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантириш, инвестиция салоҳиятини оширишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиши соҳадаги ишларни сифат босқичига олиб чиқишда муҳим омил бўлади. Жумладан, мамлакатнинг баъзи ҳудудларини алоҳида маъмурий-ҳудудий бирлик сифатида бошқаришнинг янги механизмни жорий қилиш иқтисодий тараққиёт ва инвестициявий муҳит жозибдорлигини яхшилашга хизмат қилади.



ҳисобланарди. Айрим мамлакатлардаги “миллионли шаҳар”лар (масалан, Чимкент, Қрасноярск, Олмаота) таҳлил қилганда, уларнинг майдони, аҳолиси сони ва зичлиги Самарқанд шаҳри аҳолиси сони ва зичлигига тенглиги, ҳатто ундан паст экани маълум бўлди. Ушбу таҳлиллардан келиб чиқиб, Самарқанд шаҳрини ҳам “миллионли шаҳар”лар рўйхатига киритиш мақсада муроғат бўлади. Бу ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир этиш билан бирга, инвестициялар мобиллигини таъминлашдаги рақобатбардошлигини оширади.

Самарқанд шаҳрига чегарадош Самарқанд, Пастдарғом, Оқдарё ва Тойлоқ туманларининг айрим аҳоли пунктлари, шунингдек, доимий рўйхатдан ўтмаган аҳоли ва талабалар ҳисобига ҳудуд аҳолиси сони миллиондан ошиши шубҳасиз. Шаҳар ҳудудини 5 та туманга бўлиш режалаштирилган.

Тадқиқот натижаларига кўра, ушбу туманларнинг асосий драйвер соҳалари шаҳарнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш ва инвестиция муҳитини яхшилашга хизмат қилади. Масалан, Сибё туманида асосий туристик инфратузилма объектлари жойлашган. Ҳудудни ривожлантиришнинг асосий драйвери — туризм соҳаси ва тармоқлари, тарихий обидалар, хунармандлик, меҳмонхоналар ва умумий овқатланиш корхоналари. Маъмурий биноларнинг шаҳар чегига кўчирилиши натижасида туристик инфратузилма объектлари сони янада ошади. Маданий мерос объектларига туташ ҳудудда жойлашган хонадонлар туризм соҳасига ихтисослаштирилди. Қўшимча туризм инфратузилма объектлари барпо этилади. Қўшимча драйвер — саноат тармоқлари, хусусан, фармацевтика, электротехника ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожланти-

риш туфайли ҳудуднинг саноат соҳасидаги салоҳияти ҳам ортади.

Боғишамол туманида инновацион таълим, бизнес ва хизмат кўрсатиш марказлари жойлашган. Ушбу ҳудуднинг асосий драйвери инновацион таълим, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасидир. Шу боис, технопарк, инновацион гоёлар маркази, кўнгилочар объектлар, савдо марказлари, рестороанлар, инновацион гоёлар, тадбиркорлар ва олимлар ўртасида онлайн мулоқот майдони ташкил этиш мақсада муроғат. Ҳудуднинг қўшимча драйвери тўқимачилик, машинасозлик ҳамда металлургия соҳалари бўлиб, инновацион технологияларни киритиш ҳисобига ортинча вақт ва ресурслар сарфини кескин қисқартириш имконияти юқори.

Сўғдиёна тумани кимё саноати, транспорт логистикаси ривожланган, қўшимча кичик саноат зоналари ташкил этиладиган ҳудуддир. Бу ерда эътибор кичик саноат ва махсус иқтисодий зоналари барпо этиш орқали саноатни ривожлантиришга қаратилади. Ҳудуд саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун зарур инфратузилмага эга. Самарқанд кимё заводига туташ бўлган собик полигондан камида 100 гектар ер ажратиб, туман саноатини диверсификация қилиш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мумкин. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари захирасини сақлаш учун сизими 15 минг тонна бўлган қўшимча 6 та замонавий музлаткичли омборхона ташкил этиш ижобий самара беради.

Мароканд тумани қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш салоҳиятига эга бўлиб, асосий драйвери озик-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш, қадоклаш ва экспорт қилишдан иборат. Ушбу тармоқларнинг рағнақ топиши валюта тушумини кўпайтириб, хорижий инвесторлар иштирокидаги йирик лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради. Кичик саноат зоналари, узумчилик, иссиқхона, агрологистика маркази, паррандачилик йўналишларини ривожлантиришга эришилади. Эшак эишиш канали ҳудудда ташкил этилганга кўра, конгресс холл ва йирик меҳмонхоналарнинг иборат замонавий туристик маркази ва унга туташ ҳудудда “Конирил — туризм қишлоқи” лойиҳаси ҳисобига туристик салоҳият ҳамда хизматлар монетизацияси янада ошади.

Янгиқент (Зарафшон, Қорасув массиви) туманига “йўлдош шаҳар”, “Ақли шаҳар” мақоми берилиб, ҳудуднинг асосий драйвери инновацион техноло-

гиялар ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришни назарда тутди. Унинг асосий драйверлари неғизда кичик ҳамда ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари, технопарклар фаолиятини йўлга қўйиш орқали инвестиция муҳити ва инновацион салоҳиятини ривожлантириш имконияти юзага келади. Туманда хизмат кўрсатиш, жумладан, замонавий тиббий хизматлар кўрсатиш объектлари, истироҳат боғлари ҳамда аҳоли ва сайёҳлар учун кўнгилочар масканлар барпо этиш, спорт мажмуалари, кинотеатрлар, аквапарк, голф майдонлари ташкил этиш режалаштирилган.

“Миллионли шаҳар” концепциясини амалга ошириш йирик инвестициявий салоҳиятга эга халқаро меҳмонхона (Hilton, Marriott, Hyatt, Wyndham, Accor, IHG), фастфуд (McDonald’s, Subway, Burger King, KFC, Starbucks) ҳамда люкс (Louis Vuitton, H&M, Zara, Gucci, Chanel, Dior) брендлари учун фаолият юритишга қўлай имкониятни тақдим этади. Ҳисоб-китобларга кўра, ушбу чора-тадбирлар орқали шаҳарда хизмат кўрсатиш соҳасининг вилоят яппи ҳудудий маҳсулоти ҳажмидаги улушини 19,8 фоиздан 2040 йилгача 46,5 фоизга, аҳоли жон бошига кўрсатиладиган хизматлар ҳаж-



“Аҳоли зич жойлашувига қарамай, Наманган вилоятида бизнес доира вакиллари орасида йигит-қизларнинг улуши юқори. Айнан ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган ёшлар саноат зоналарида амалга оширилган лойиҳалар ҳисобига ҳудудлар орасида вилоят етакчи.

прогноз қилинган. Бунда машинасозлик, тўқимачилик, озик-овқат, электротехника саноатининг етакчи тармоқларга айланиши натижасида шаҳарнинг саноатлашув даражаси ортади.

“Миллионли шаҳар” концепциясининг ижобий самараси улароқ, Самарқанд шаҳрининг инвестициявий салоҳиятини 88,2 миллион АҚШ долларидан 2025 йилда 644 миллион, 2030 йилда 938 миллион, 2040 йилда 1 миллиард 848 миллион АҚШ долларига етказиш орқали шаҳарнинг инвестициявий имконияти ортади, асосийси, ҳудуд аҳолиси фаровонлиги, моддий ва ижтимоий таъминоти янада яхшиланади.

Бугун жаҳондаги демографик жараёнлар ва таркибий ўзгаришлар ҳар бир мамлакат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишларига бевосита таъсир этмоқда. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясида таъкидланганидек, Марказий Осиё дунёдаги энг ёш минтақа бўлиб, аҳолисининг ўртача ёши 27,6 ёшга ташкил этади. Минтақа аҳолисининг 50 фоизга яқини Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади. Ўзбекистонда 30 ёшгача бўлган ёшлар сони 18 миллиондан зиёд. Бу аҳолининг қариб 55 фоизини ташкил этади. Ўз навбатида, келгуси беш йилликда ёшларнинг илмий, касбий ривожланиши, саломатлиги мустаҳкамлашиб, иқтисодий имкониятлари кенгайиши учун ажратилган сармояларни демографик дивидендга йўналтириш борасида мамлакат ва ҳудудлар олдида янги-янги вазифалар қўйилади.

Аҳоли зич жойлашувига қарамай, Наманган вилоятида бизнес доира вакиллари орасида йигит-қизларнинг улуши юқори. Айнан ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган ёшлар саноат зоналарида амалга оширилган лойиҳалар ҳисобига ҳудудлар орасида вилоят етакчи. Наманган вилоятида жами 19 та ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси ташкил этилган. Уларда умумий қиймати 573,7 миллиард сўмлик 150 та инвестиция лойиҳаси муваффақиятли амалга оширилган. Улар ҳисобига 5 647 та янги иш ўрни очилган ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 21,3 миллиард сўмни ташкил этган.

Ёшлар саноат зоналарида мебель, қоғоз, озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қадоклаш, тўқимачилик каби соҳалар инвестицияларни жалб этишга асосий драйвер вазифасини ўтади. Тўқимачилик саноати бўйича 44 та йирик инвестиция лойиҳаси ишга туширилгани 2261 та янги иш ўрни ташкил қилиш имконини бериди. Шунингдек, етакчи саноат тармоқларидан озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасида умумий қиймати 70,4 миллиард сўмлик жами 30 та инвестиция лойиҳаси бўйича 5,3 миллиард сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилди. Истиқболда ушбу саноат зоналарида умумий қиймати 1 триллион

481,9 миллиард сўмлик жами 434 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган. Ушбу лойиҳаларни самарали рўёбга чиқаришда тадбиркорлик салоҳияти юқори бўлган Наманган шаҳри анча фаол. Бунга биргина мисол ҳисобларда жойлашган Давлатобод туманидаги ёшлар саноат зонаси. Олий Мажлис Сенатининг 2020 йил 11 сентябрдаги “Наманган вилоятининг Наманган шаҳри таркибига Давлатобод туманини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори билан ушбу туманга асос солинди. Унинг майдони 4 минг 686 гектар бўлиб, Наманган шаҳри ҳудудининг 26 фоизини ташкил этади. Туманнинг 26 та маҳалласида 150 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Давлатободда 421 та кўп қаватли уй, 18 та мактаб, 24 та болалар боғчаси, 5 та тиббиёт муассасаси, “Юксалиш” ва “Орзу” кичик саноат зоналари, “Навбахор” стадиони, “Афсоналар водийси” боғи, 5 та замонавий меҳмонхона ва 700 га яқин хизмат кўрсатиш объекти жойлашган.

Давлатобод туманига тааллуқли статистик маълумотлар асосида айтиш мумкинки, ҳудудда ёшлар сони жадал ўсаяпти. 2020 йилда уларнинг сони 17 минг 445 нафарни ташкил этган бўлса, бу йил 13,2 фоиз ортган. Бу, ўз навбатида, тумандаги ёшлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш лозимлигини англайди. Шу мақсадда Халқ депутатлари Наманган шаҳри кенгаши қарори асосида Давлатобод туманининг “Юксалиш” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси ташкил этилган.

Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва инвестициявий фаоллигини оширишда туманнинг 2022-2026 йилларга белгиланган инвестиция дастури доирасида жорий йилда 87,3 миллион АҚШ долларидан ортқ хоржий инвестиция жалб этилган. Мазкур кўрсаткичи 2026 йилда 110,4 миллион долларга етказиш бўйича амалий ишлар бажарилмоқда.

Чет эл инвестициясини ўзлаштириш ва ёшлар бандлигини таъминлашда ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари муҳим аҳамиятга эга. Наманган шаҳри ҳудудидagi ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси 30 гектар майдонда жойлашган. Унда ҳозиргача 30 та лойиҳа тўла бажарилган, яна 30 та лойиҳа амалга кўрилган. Уларнинг умумий қиймати 402,1 миллиард сўмни ташкил этади. Қилинган ишлар натижасида 3 минг 295 та янги иш ўрни очилган. Эътиборлиси, лойиҳаларни молиялаштириш манбаларининг 92 фоизидан ортиги ёш тадбиркорлик субъектларининг шахсий маблағи ҳиссасига тўғри келади.

Миллионли ҳудудларнинг маъмурий-ҳудудий бирлик сифатида тўғридан-тўғри республика бўйсунувига ўтказилиши Самарқанд ва Наманган шаҳарларидаги йирик инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишда молиявий ресурслар оқимини фаоллаштириш, ишбилармонлик ва тадбиркорлик салоҳиятини янада оширишга пухта замин ҳозирлайди.



“САМАРҚАНД ШАҲРИГА ЧЕГАРАДОШ САМАРҚАНД, ПАСТДАРҒОМ, ОҚДАРЁ ВА ТОЙЛОҚ ТУМАНЛАРИНИНГ АЙРИМ АҲОЛИ ПУНКТЛАРИ, ШУНИНГДЕК, ДОИМИЙ РЎЙХАТДАН ЎТМАГАН АҲОЛИ ВА ТАЛАБАЛАР ҲИСОБИГА ҲУДУД АҲОЛИСИ СОНИ МИЛЛИОНДАН ОШИШИ ШУБҲАСИЗ. ШАҲАР ҲУДУДИНИ 5 ТА ТУМАНГА БЎЛИШ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН.

